Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
27 ИЮНЬ, 1969 Й
ЖУМА
№ 150 (914).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1969 йил 26 июнда КПСС Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг якунлари тўғрисида» қилган докладини тинглади.

Доклад юзасидан музокараларда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, Қозогистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг директори П. Н. Федосеев, КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари Г. И. Чиряев, СССР кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Л. А. Кулижанов, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи А. А. Епишев, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Марказий Комитет пленуми ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг якунлари тўғрисида»ги доклади юзасидан якдиллик билан қарор қабул қилди.

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ХАЛҚАРО КЕНГАШИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1969 ЙИЛ 26 ИЮНДАГИ ҚАРОРИ

КПСС Марказий Комитети пленуми «Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг якунлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг жаҳон коммунистик ҳаракати жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини, КПСС делегациясининг коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада 1969 йил 5 июндан 17 июнгача бўлиб ўтган халқаро кенгашидаги ишини батамом ва тўла-тўкис маъқуллайди.

КПСС Марказий Комитети пленуми коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгаши коммунистик, ишчилар ва бутун озодлик ҳаракатининг катта муваффақияти бўлди, деб ҳисоблайди. Кенгаш жаҳондаги барча демократик ва тараққийпарвар кучларнинг ғоят кенг миқёсдаги бирлиги ҳаракатининг негизида империализмга қарши курашни янада авж олдириб юборишга жуда катта таъсир кўрсатади. Кенгаш марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари асосида халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим босқич бўлди.

Шунчалик кўп делегациялар иштирокида кенгаш чақирилишининг ўзиёқ коммунистик ва ишчи партиялар инсониятнинг келажаги билан боғлиқ бўлган ҳаракатнинг тақдири учун юксак масъулият ҳис қилганликларини яққол тасдиқлади. Кенгашнинг бутун борши ҳаракатнинг умумий манфаатлари йўлида коммунистик ва ишчи партияларнинг жипслашишга, бирликка бўлган интилишлари қучайганлигини кўрсатдики, ҳар бир партиянинг манфаатлари шу ҳаракат умумий манфаатларидан ажралмасдир. Кенгашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш методлари ана шу интилишни кучайтириш ва мустаҳкамлашга ёрдам берди, кенгашни тайёрлаш ва ўтказишнинг бу методлари проблемаларни эркин, демократик муҳокама қилиш, ҳужжатларни коллектив равишда, кенг ошкора ишлаб чиқиш, чинакам ўртоқларча тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик қилиш билан характерланди.

Кенгашда қабул қилинган ҳужжатлар жаҳон коммунистик ҳаракатининг ҳозирги тараққиёт босқичидаги мақсадлари ва эҳтиёжларига, империализмга қарши, халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашни кучайтириш вазифаларига жавоб беради.

Кенгаш ҳужжатларида, кенгаш қатнашчиларининг сўзларида нутқларида коммунистик ҳаракатнинг улкан тажрибаси умумлаштирилди, ҳозирги замон тараққиёти чуқур таҳлил қилиб берилди, кенгаш ҳужжатлари марксча-ленинча назарияга муҳим ҳисса қўшди.

Кенгашда «Ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги» тўғрисида қабул қилган ҳужжати ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳужжатда жаҳон тараққиётининг асосий йўлини аввалгидек революция ва социализм, тинчлик ва миллий озодлик ҳаракати кучлари белгилаб беради, деган рад этиб бўлмайдиган факт таъкидланади. Бу ҳужжатда империализмга қарши бутун курашни янги, янада юксак даражага кўтариш йўллари, бутун дунёдаги кенг халқ оммасининг ҳаракат бирлигини амалий ташкил этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Бу ҳужжатда жаҳон тараққиётининг, империализм агрессив сиёсатининг моҳияти ва келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларининг марксча-ленинча таҳлили империализмга қарши ҳаракат бирлигининг конкрет платформаси билан чамбарчас боғланган. Бу ҳозирги замондаги учта асосий революцион кучни—жаҳон социализм системаси, халқаро ишчилар ҳаракати, миллий озодлик ҳаракатини жипслаштириш учун курашни янада бир мақсадга қаратиш имконини беради.

Кенгаш социалистик система жаҳон антиимпериалистик, революцион ҳаракатнинг таянчи эканлигини яна бир марта тасдиқлади. Янги дунёнинг кўҳна дунёга қарши курашининг муваффақияти кўп жиҳатдан социалистик системанинг бундан кейинги муваффақиятлари ва жипслигига, ҳукмрон партияларнинг янги ижтимоий тузум замиридаги барча имкониятлардан фойдаланишларига боғлиқдир. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — айни пайтда жаҳон революцион жараёнини ривожлантириш тўғрисида, империализмга қарши таъсирли кураш тўғрисида ғамхўрлик қилишдир.

Кенгаш социалистик системани жипслаштириш ишидаги асосий йўналиш социалистик интернационализм принципларини оғишмай амалга оширишдан, социалистик давлатларнинг миллий ва интернационал вазифаларини тўғри қўшиб олиб боришдан қардошларча ўзаро ёрдам ва ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашни кучайтиришдан иборат эканлигини таъкидлади. Кенгаш социализмни ҳимоя қилиш — коммунистларнинг интернационал бурчидир, деб баралла айтди.

Кенгаш ишчилар синфи революцион курашнинг ҳозирги босқичида ҳам асосий ҳаракатга келтирувчи ва сафарбар этувчи куч эканлигини таъкидлаб ўтди. Кенгаш меҳнаткаш деҳқонлар тараққийпарвар зиёлилар, ёшларнинг катта революцион имкониятини, капиталистик мамлакатлардаги барча демократик антиимпериалистик ҳаракатнинг аҳамиятини, жаҳон революцион жараёнида Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг миллий озодлик ҳаракатининг роли тобора ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди.

Кенгаш коммунистик ва ишчи партиялар учун империализмга қарши, тинчлик учун кураш ишчилар синфининг пировард мақсадлари учун курашдан, социал система сифатида капитализмга қарши курашдан, барча мамлакатларда социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашдан ажралмасдир, деб алоҳида таъкидлади.

Кенгашда «В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги тўғрисида» мурожаат қабул қилинганлиги принципиал аҳамиятга эгадир. Бу ҳужжатда коммунистларнинг ленинизмга чексиз содиқлиги таъкидланади, унинг умумий халқаро аҳамияти уқтириб ўтилади. Халқаро коммунистик ҳаракат бирлигининг идеологик негизи қисқа формада ифодаланганлигидир. Мурожаат коммунистик ва ишчи партияларни Ленин юбилейидан ленинизм ғояларини кенг пропаганда қилиш учун, коммунистларнинг омма орасида идеология ишини кучайтириш учун фойдаланишга отлантирди.

КПСС Марказий Комитети пленуми кенгашда қабул қилинган бошқа ҳужжатларининг муҳимлиги ва актуаллигини таъкидлайди. Кенгашда қабул қилинган Вьетнамга мустақиллик, озодлик ва тинчлик даъвати коммунистларнинг жанговар пролетар бирдамлигини, улар «Вьетнам халқини бундан кейин ҳам ўзларининг биргаликда ҳаракат қилиб қўллаб-қувватлашга қарор қилганликларини бутун дунёга кўрсатади.

«Тинчликни ҳимоя қилиш тўғрисида хитобнома коммунистик ҳаракатнинг жанговар антимилитаристик традициясини давом эттиради. Бу ҳужжатда ҳозирги замоннинг энг муҳим масалаларидан бири хусусида халқаро коммунистик ҳаракатнинг умумий позицияси кўрсатиб берилган. Бу позиция ғоят кенг демократик ва тинчликсевар кучларни жаҳон термоядро урушининг олдини олиш учун курашга бирлаштиришга қаратилгандир.

Пленум шуни зўр мамнуният билан таъкидлайдики, кенгаш ҳужжатларида ҳам, кенгаш қатнашчиларининг нутқларида ҳам КПССнинг, Совет давлатининг социализм позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган, империализмга қарши, ўзининг социал ва миллий озодлиги учун, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ва термоядро урушининг олдини олиш, турлича ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга қаратилган снёсатини кенг қўллаб-қувватладилар.

Кенгаш мавжуд ихтилофларни бартараф қилишда, коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашда марксча-ленинчи партиялар тутган йўлининг тўғри эканлигини тасдиқлади. Бу йўл — империализмга қарши биргаликда ҳаракат қилиш, кардош партиялар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш, партияларнинг назарий ишларини умумлаштириш, марксча-ленинча назарияни ҳимоя қилиш ва ижодий ривожлантиришдан иборатдир.

КПСС Марказий Комитети пленуми кенгашнинг марксизм-ленинизм поклиги учун изчиллик билан кураш, ревизионизмга, догматизмга, миллатчиликка қарши изчил кураш коммунистик партиялар сафларини мустаҳкамлашнинг, коммунистларни интернационал жипслаштиришнинг, бутун революцион ҳаракатда уларнинг авангардлик ролини оширишнинг зарур шарти эканлиги тўғрисидаги ҳулосасига катта аҳамият беради.

КПСС Марказий Комитети шуни таъкидлайдики, кенгашда кенг фикр олишилганлиги ХКПнинг ҳозирги раҳбарлиги тутаётган ташқи снёсий йўл, унинг бузғунчилик снёсати қардош партияларнинг мутлақ кўпчилиги томонидан кескин зарбага учраганлигини яққол кўрсатди.

Пленум КПСС делегациясининг кенгашдаги нутқда изҳор қилган позициясини якдиллик билан тасдиқлайди. КПСС ҳозирги Хитой раҳбарларининг антиленинчи ғоявий йўл-йўриқларига қарши, уларнинг бузғунчилик снёсатига ва буюк давлатчилик ташқи снёсий йўлига қарши муросасиз курашни давом эттиради. КПСС коммунизм қураётган совет халқи манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳамма ишни қилади. Шу билан бирга, КПСС совет ва хитой халқларининг туб манфаатлари мос келади, деб ҳисоблайди. КПСС совет халқининг хитой халқига нисбатан бўлган ва, шубҳасиз, хитой халқининг Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан бўлган дўстона ҳиссиётуйғуларини бундан кейин ҳам сақлашга ва қўллаб-қувватлашга интилади.

Пленум Совет Иттифоқи коммунистлари ва меҳнаткашларининг жаҳон коммунистик ҳаракат билан интернационал бирдамлигини билдиради ва партиямизнинг снёсатини тўла қўллаб-қувватлайди.

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгаши коммунистик ҳаракат ўз тараққиётида айрим қийинчиликларга қарамай, барча антиимпериалистик кучларнинг жанговар авангарди, ҳозирги замонининг энг қудратли снёсий кучи эканлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди.

КПСС Марказий Комитети пленуми қарор қилади:

1. Кенгашда қабул қилинган ҳужжатлар: «Ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги; «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тўғрисида» мурожаат; «Вьетнамга мустақиллик, озодлик ва тинчлик» даъвати; «Тинчликни ҳимоя қилиш тўғрисида хитобнома» маъқулансин.

2. Кенгаш якунларига таянниб, КПССнинг марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципиал негизида халқаро коммунистик ҳаракатни жипслаштиришга, барча ўйлар орқали Коммунистик партиялар билан алоқаларни бутун чоралар билан ривожлантиришга, бурҳуа идеологиясига қарши кураш олиб боришга, марксча-ленинча таълимотнинг поклиги учун, ўнг ва «сўл» ревизионизм ва миллатчиликка қарши қаратилган КПССнинг изчил йўли давом эттирилсин.

3. КПСС Марказий Комитети пленуми КПССнинг ва Совет ҳукуматининг ташқи снёсий йўлини маъқуллайди. СССРнинг ташқи снёсати антиимпериалистик кучларга қарши умумий курашда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг куч-қудратини мустаҳкамлаш ва жипслаштиришда бундан кейин ҳам муҳим роль ўйнайди, империализмнинг агрессив режаларини барбод этишга, тинчликни сақлаш ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга, халқларнинг озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

4. СССРда коммунизм қурилиши учун, антиимпериалистик кураш ва революцион жараён тараққиёти учун ижтисодий муваффақиятлар, илмий-техникавий муваффақиятлар ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитети пленуми партия, совет ва хўжалик органларининг алоҳида диққат-эътиборини давлат планлари ва беш йиллик топшириқларининг бажарилишини таъминлаш зарурлигига, фан, маданият ва санъат соҳасида янги чўққиларни эгаллашни таъминлаш зарурлигига қаратади. Корхоналар, қурилишлар, совхозлар, колхозлар коллективларининг куч-гайрати ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширив, улардан яхшироқ фойдаланишга, ишлаб чиқаришдаги мавжуд резервларни тўлароқ ишга туширишга қаратишлари керак.

5. Халқаро кенгаш якунлари муносабати билан идеология ишини кучайтириш жуда муҳим вазифадир. Партия ташкилотлари кенгаш якунларини ва бу кенгашда қабул қилинган ҳуж жатларни пропаганда қилиш соҳасидаги ишларини кенг авж олдириб юборишлари, бунинг учун матбуот, радио, телевидение, лекциялардан ва пропагандининг бошқа формаларидан кенг фойдаланишлари зарур.

6. Марказий Комитет пленуми КПССнинг халқимизнинг совет ватанпарварлиги руҳида, дўстлик, қардошлик ва социалистик мамлакатларнинг халқлари билан ўз социал ва миллий озодлиги учун, демократия, тинчлик ва социализм учун курашаётган барча халқлар билан интернационал бирдамлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги йўли асло ўзгармас эканлигини тасдиқлайди. Ўз партияси ва мамлакати учун ифтихор ҳис-туйғуси, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши учун бутун кучини сарфлашга тайёр туриш, СССРда коммунизм қурилишининг интернационал моҳиятини чуқур англаш ҳис-туйғуси — мана бу фазилатларнинг ҳаммаси ҳозирги шароитларда онгли совет граждани учун айниқса муҳим фазилатлардир.

7. Кенгаш якунларидан келиб чиқадиган муҳим хулосалардан бири—ҳозирги замон проблемаларини, жаҳон революцион ҳаракатининг умумий қонуниятлари ва хусусиятларини назарий жиҳатдан чуқур умумлаштириш, социализм ва коммунизм қурилиши муҳим назарий проблемаларини, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг империализмга қарши курашининг муҳим назарий проблемаларини ишлаб чиқиш соҳасидаги илмий ишларни бутун чоралар билан ривожлантиришдан иборатдир. Шу мақсадда халқаро назарий конференциялар ва семинарларни тез-тез ўтказиб туриш муҳим аҳамиятга эгадир.

8. Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг якунлари республика, ўлка, область, округ, шаҳар,район партия ташкилотларининг актив йиғилишларида ва бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама қилинсин. Кенгаш материалларини коммунистларнинг чуқур ўрганиши уюштирилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети янги жамият қурилишида Совет Иттифоқи эришган муваффақиятларнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, барча партия ташкилотларини, барча коммунистларни, бутун совет халқини коммунистик қурилишнинг буюк режаларини амалга ошириш учун, партиямиз ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун янада фидокорона курашга даъват этади.

ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ, БУЗИЛМАС!

ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ



Навоий номли театр. Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси кунларининг очилиш маросими.

26 июнь куни Алишер Навоий номли театрда Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси кунлари тантанали вазиятда очилди.

Президиумда Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоси, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Майдар бошчилигидаги делегация ўтирибди. Делегация составида Монголия маданият министри С. Сосорбарам, Монголия — Совет дўстлиги жамияти марказий совети президиуми раисининг ўринбосари, Улан-Батор шаҳар партия комитетининг секретари Л. Жамбалдорж, тинчлик ва дўстлик Монголия ташкилотлари федерацияси раисининг ўринбосари, Монголия-Совет дўстлиги жамияти марказий советининг масъул секретари Г. Дэлгер, Монголия — Совет дўстлиги жамияти Архангай Аймоқ советининг раиси, район партия комитетининг секретари Д. Самданмунх, ишлаб чиқариш илғорлари, ёзувчилар, санъат арбоблари бор. Монголия Халқ Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Лувсанчултэм ҳам шу ерда ўтирибди.

Президиумда улар билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари М. Турсунов, С. К. Зиёдуллаев, М. З. Мирзаахмедов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Саҳибов, Совет-Монголия дўстлиги жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Б. С. Ржанов ўтирибдилар. Республика ва пойтахт партия, совет органларининг масъул ходимлари, маданият арбоблари ҳам президиумдан жой оладилар.

Тантанали йиғилишни чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси Х. С. Шукурова очди.

Монголия, Совет Иттифоқи Ўзбекистон давлат гимнлари янграйди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Турсунов меҳмонларга қарата табрик нутқи сўзлади.

Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси кунлари — халқларимизнинг маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Биз бу кунни шодиёна тўлқинланиб кутдик, — деди у.

Ўртоқ Турсунов ўз сўзининг охирида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, барча тошкентликлар номидан, совет Ўзбекистонининг барча меҳнаткашлари номидан Халқ Монголияси вакилларини— оғаниларимизни яна бир марта самимий табриклаб:

— Хуш келибсиз, азиз дўстларимиз! — дейди.

СССР Халқ артисти, Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси Олим Хўжаев азиз қардошларимиз ва дўстларимизга табрик сўзлари билан мурожаат қилади.

Делегация раҳбари Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Майдарга сўз берилади.

Ўртоқ Майдар совет Ўзбекистонининг қардош халқига монгол халқидан қизғин салом топширади.

Совет Иттифоқидаги республикаларда Монголия Халқ Республикаси кунларини ва Монголия Халқ Республикасида иттифоқдош республикаларнинг кунларини ўтказиш анъана бўлиб қолди, деди меҳмон. Бундай кунлар Озарбайжонда, Белоруссияда, Молдавияда ўтказилди. Бу кунлар халқларимизнинг бузилмас қардошларча дўстлигини намойиш қилиб кўрсатди.

Нотиқ ўзининг мамлакати халқ ҳокимияти йилларида босиб ўтган йўл тўғрисида гапиради.

Бугунги кунда Монголия шундай бир мамлакатки, бу ерда ҳар йили янги-янги электр станциялар, қўмир карьерлари, конлар, заводлар ишга туширилмоқда. Янги социалистик шаҳарлар — Дашзан — Чойбалсан шаҳарлари қад кўтармоқда. Бугунги кунда Монголия Халқ Республикаси гражданларидан ҳар олти кишининг бири бирор ўқув юртида таълим олмоқда.

Монголия диёрида халқ ҳокимияти йилларида юз берган улкан ўзгаришларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи ленинча Коммунистик партияси кўрсатаётган бегараз, ҳар тарафлама ёрдамнинг натижасидир, Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси чорак асрдан кўпроқ вақт ичида социализм ва демократия лагерида ягона вакил бўлиб келдилар. Империализм ва агрессиянинг қора кучлари Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасига нифоқ солишга такрор-такрор уриниб кўрдилар. Лекин ана шу уринишларнинг ҳаммасига муносиб зарба берилди.

Бизнинг қардошларча дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз кундан-кунга тобора мустаҳкамланмоқда ва бойиб бормоқда. Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси кунлари ҳам халқларимиз дўстлигининг ажойиб байрами бўлиб қолади.

Майдар кеча қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида ўзбек дўстларига эсдалик тухфаси — В. И. Ленин билан Сухэ-Баторнинг учрашуви тасвирланган суратни тақдим этади. Бу суратнинг муаллифи Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси кунларининг иштирокчиси Н. Чултэмдир.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи президиумининг раиси Н. В. Попова ва совет-Монголия дўстлик жамияти правлениесининг раиси, Совет Иттифоқи маршали С. М. Будённийнинг йиғилиш номига юборган табрик телеграммаси ўқиб эшиттирилади.

Тантанали йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинади.

Монгол халқининг юрак туйғуларини ифодалаган ажойиб қўшиқ ва рақсларга навбат келади.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

Кеча

Тошкент шаҳар совети ижроия комитетида Ўзбекистонда ўтаётган Монголия Халқ Республикаси Кунларининг қатнашчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда МХРнинг партия ва ҳукумат раҳбарлари, адабиёт ва санъат арбоблари қатнашдилар.

Дўстона суҳбат давомида ўртоқ Г. М. Саркисов шаҳар тараққиётининг тарихи, қардош халқлар ёрдамида жадал суръатлар билан олиб борилган қурилиш ишлари, улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига улкан тайёргарлик ҳақида гапириб берди.

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзоси, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари Д. Майдар Ўзбекистонда Монголия Кунларининг ўтказилиши халқларимиз бузилмас дўстлигининг ёрқин намойишига айланганлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Монголиялик дўстлар учрашувдан кейин Тошкентнинг қурилишларида, диққатга сазовор жойларида бўлдилар.



Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси кўпгина янги моделдаги пойафзалларни ишлаб чиқармоқда. Суратда: 4-цехнинг зарбдор пойафзалчиси В. Савина янги маҳсулотни пардозламоқда.

Партия турмуши

КОММУНИСТЛАР БИЛИМЛАРИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

«Пахтакор» стадионига кираверишдаги катта Санъат саройининг рўпарасидаги бинога Ўзбекистон Давлат лойиҳа институти жойлашган. Санъат кошонаси ана шу институт архитекторлари ва инженерлари лойиҳаси асосида барпо этилган. Институт ходимлари лойиҳаси асосида қурилган бундай бинолар республикамизнинг область ва шаҳарларида жуда кўп.

Коллектив ўз зиммасидаги вазифани муваффақиятли бажарганлиги кўп жиҳатдан институт партия ташкилотида иш кўнгилдагидек ташкил қилинганлиги билан асосланади. Партия ташкилоти ўз фаолиятида тарбиявий масалаларга, айниқса, кишиларнинг сиёсий билимларини оширишга эътибор беряпти.

Бу ерда яқинда профессор Аҳмедов «Совет давлатининг ленинча интернационал сиёсати ва ҳозирги халқаро вазият» деган мавзуда машғулот ўтказганди. У кишиларда жуда яхши таассурот қолдирди.

Бундай машғулотлар институтда мунтазам ўтказиб турилади. Институтда юзга яқин КПСС аъзоси бўлиб, улардан лойиҳачилар группасининг раҳбари Х. Насриддинхўжаев, геология бўлимининг бошлиғи Я. Содиқов, бош конструктор Н. Воипов, бўлим бошлиқлари Г. Земляницин, И. Запомётовалар энг актив пропагандистлар ҳисобланади.

1968-1969 ўқув йилида сиёсий оқартув системасида саккиз семинар группа ташкил қилинди. Буларда марксизм-ленинизм асослари, марксча-ленинча философия асослари, қуриш экономикаси, КПСС тарихи, сиёсий иқтисод ҳамда марксча-ленинча философия ўрганилди.

Комсомоллар учун махсус сиёсий тўгарак ишлаб турди. 329 та тингловчи бутун ўқув йили давомида мунтазам қатнашди.

Бундан ташқари, институт ходимларидан ўн киши Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар комитети қошидаги марксизм-ленинизм университетининг кечки бўлимида таълим олади.

Институт коммунистлари, комсомоллари В. И. Ленин асарларини ўрганишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бундай машғулотларга кўпинча «Билим» жамияти орқали ўқув юртларидаги энг малакали лекторлар таклиф этилмоқда. «Социализмнинг иқтисодий назариясини яратишда В. И. Ленининг роли», «Янги иқтисодий реформа ва социалистик хўжаликда ленинча принцип» мавзуларида иқтисод фанлари кандидати Д. М. Фрейдовин, «В. И. Ленин санъат ва адабиёт ҳақида», «Совет адабиётида В. И. Ленин образи» мавзуида филология фанлари кандидати Н. П. Малахов, «Давлат ва революция ҳақида В. И. Ленин таълимоти» мавзуида профессор М. Х. Ҳакимов олиб борган машғулотлар жуда мазмунли бўлди.

Шу кунларда институт ходимлари партия ташкилоти раҳбарлигида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда.


Д. РАҲМОНОВ,
лойиҳачи-инженер.

МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН

Жазирама иссиқ кунлар ҳам бошланди. Ҳамма ўзини соя-салқин жойга олади. Айниқса ҳафтанинг охирги кунлари ҳамшаҳарларимиз шаҳар ташқарисидаги хушманзара жойларга отланадилар. Дам олиш жойлари эса кўпайиб боряпти. Саломатлик маршрутлари тобора кенгаймоқда. Ҳамшаҳарларимиздан баъзи бир кишилар «Тошкент денгизи»га ошиқсалар, бошқа бировлар сафар жабдукларини олиб походга чиқадилар. Қадимий ёдгорликларни томоша қиладиганлар ҳам сон-саноқсиздир.

Саёҳат ва экскурсиялар бюроси ҳамшаҳарларимизни янги маршрутлар бўйлаб саёҳат қилишга таклиф этяпти. Якшанба кунлари Қайроққум денгизи ва Ленинободнинг хушманзара жойлари тошкентликларни ўз бағрига олади.

Чимкент денгизидаги дам олиш зонаси ҳам кишиларнинг мароқли ҳордиқ чиқарадиган жойларидан биридир. Саёҳатчилар орасида балиқ овига кўнгил қўйганлар ҳам бор. Улар эртага ва индинга Сирдарё ва Ҳамзаободда балиқ овлашлари мумкин.



Жонажон шаҳримизда қурилиш ишлари ҳозир ҳам кенг кўламда давом этмоқда.

СУРАТДА: Қорақамишдаги янги мактаб биноси.

* * *

«Главташкентстрой» га қарашли 11 баланд бинолар қурish трестининг 69-қурилиш бошқармаси бинокорлари шаҳар марказида В. И. Ленин номли марказий музейнинг Тошкент филиалини жадал суръатлар билан бунёд этмоқдалар. Сиз суратда шу табаррук қурилишда фидокорона меҳнат қилаётган зарбдор қурувчилардан эрхотин Петр ва Галина Колстенколарни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.



МАРМАРЛАР ТОШКЕНТ МЕТРОСИГА

Қашқадарёнинг юқори зонасида жойлашган Китоб районидаги Навоий номли колхоз территориясида — тизма тоғлар бағрида мармарнинг жуда катта запаси топилди. Қашқадарё геология-қидирув экспедицияси (бошлиғи ўртоқ Х. Гадоев) Филон партиясининг 25 кишидан иборат қидирувчилари топган ана шу мармар запаси 2 миллион кубометрдан зиёдроқ деб тахмин қилинмоқда.

Мармар запаслари 35 метрдан 200 метргача чуқурликда жойлашган бўлиб, ўз сифати жиҳатидан Ғозғон мармаридан ҳам устун туради ва унн қазиб олишга жуда кам маблағ сарфланди.

Шу кунларда Емельян Денисович Голубенко бошчилигидаги пармаловчилар тоғнинг ён бағри ва катта дарада мармарнинг янги қатқат запаслари топиб, анализ қилиш учун қазиб олишяпти.

—Қашқадарё мармари — Тошкент метросига хизмат қилади, — дейди Филон партияси бошлиғи Юсуф Илҳомов. — Бу мармарлар Тошкент метросининг станцияларига безак бўлади. Қазиш ишлари бошланиши биланоқ мармар ишланиб, метро қурувчилари ихтиёрига юборила бошлайди.

С. ҚОДИРОВ.

● Ленинча меҳнат вахтасида

АРМУҒОНИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН кўплар жамиятига қаратилган 1-ишлаб чиқариш комбинати цехларида тайёрланаётган шиша ва банка қопқоқлари республикамиздан ташқари Ўрта Осиё республикалари ҳамда Қозоғистон республикасидаги вино, шампан, пиво, совуқ ичимликлар, ёғ, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи заводларига юборилмоқда.


Барча совет кишилари сингари коллективимиз аъзоларининг ҳам диққат-эътибори бепоён йиллик топшириқларини муддатидан илгари — 1970 йил 7 ноябрда бажаришдек олижаноб мақсадга қаратилган. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб совға тайёрлашда комбинатимиз ихтирочилари ҳам актив қатнашмоқдалар. Улар ўтган йили 14 та таклиф киритишган эди. 1969 йилнинг беш ойида ишлаб чиқаришга жорий этилган 6 та таклифдан корхона йилига камида 11 минг сўм иқтисодий фойда кўрадиган бўлди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ожизларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан беҳад миннатдормиз. Ишчи ва хизматчиларимизнинг яхши ишлашлари, яшашлари учун барча шароит яратиб берилди. Чилонзорнинг 9-кварталида бунёд этилган махсус шаҳарчада комбинат учун малакали хизмат кўрсатиш корхоналари бўлган икки қаватли бино: корхона цехлари, омбор, уй-жой, дам олиш боғчалари яратиб берилди.

Шаҳарчамиз д а г и ҳамма қулайликлари бўлган иккита уйда 160 оила истиқомат қилмоқда. Бундан ташқари комбинат ётоқхонаси ҳам бор. Ётоқхона ёнида буфет, ошхона, қизил бурчак ожизлар учун махсус нашр этилган китоблар, журналлари бўлган кутубхона ишлаб турибди.

Комбинат партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ташкил қилаётган ленинча ўқишлар қизғин ўтяпти. «Главташкентстрой»га қарашли 6-трестнинг 33-қурилиш бошқармасининг бинокорлари юбилейгача биз учун 600 ўринли клуб, 200 ўринли ошхона, 50 ўринли чойхона биносини қуриб беришга аҳд қилганлар. 1969 йили яна битта 96 квартирали уй қуриб берадилар. Комбинатимиз ишчилари беқиёс ғамхўрликлардан илҳомланиб беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш билан доҳий тўйига муносиб армуғон тайёрлаш ниятидалар.

И. С. ЯКОВЛЕВ,
1-ишлаб чиқариш комбинатининг директори.



Суратда: Тошкент экскаватор ремонти заводи қишлоқ механизаторларига жўнатаётган экскаваторлар.

ЁШ ПОЙАФЗАЛЧИЛАР

Пойтахтдаги 5-ҳунар-техника билим юрти ҳар йили юзлаб малакали шогирдлар тайёрлаб бермоқда. Яқинда битириб чиқувчи ёш пойафзалчилардан бир группаси ишлаб чиқариш практикаси-га жўнаб кетдилар. Ўқувчилар шу кунларда Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида практика ўтказишяпти. Улар ҳозирданоқ ўзларига бириктирилган участкаларни эгаллаб олиб, ишчилар билан бир қаторда меҳнат қилмоқдалар.

Й. СОИПОВ,
2-пойафзал фабрикаси ишчиси.

„Тошкент оқшоми" почтасидан

ПОЛИГРАФЧИЛАР УЧУН

159-трестга қарашли 53-қурилиш бошқармаси коллективи Навоий кўчасида полиграфия комбинати қурилишини жадал суръатлар билан давом эттирмоқда. Беш қаватли бинонинг девори тобора баланд кўтарилиб, иш охирига етказилиши учун бригадалараро социалистик мусобақа кучайиб кетди.

Коллективнинг 8 бригададан иборат қурувчилари орасида прораб Сергей Карихудис бошлиқ коллектив олдинда бормоқда.

Қурувчиларнинг кўпчилиги комсомол ёшларидан иборат. Улардан М. Содиқова, М. Тоҳирова, В. Муҳаммедов, Ў. Зуфаров сингари бўёқчилар, А. Динапула, Я. Папантапулос, А. Никифоров каби сувоқчилар ишда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

А. НОРҚУЛОВ.

ОСОЙИШТАЛИК СОҚЧИЛАРИ

Студент Хайриддин Низомов Тошкент қишлоқ хўжалиги институти кўнгилли дружиначилар штабига командир бўлгач, ишни нимадан бошлаш керак деб ўйланиб ўтирмади. Жамоатчи, аълочи студентлар ҳисобига дружиначилар сафини кенгайтиришга катта эътибор берди.

Институт дружиначиларининг биринчи слётида кўнгиллилар командири Хайриддин Низомович учратиб, суҳбатлашдик.

— Биз кўнгилли дружиначиларни халқимиз осойишталик посбонлари деб айтишади, — сўз бошлади у. — Бу бежиз эмас, албатта. Шундай экан, биз тартиббузарларга, безориларга қарши шафқатсиз кураш олиб боришимиз зарур. Ҳозирги вақтда кўнгиллиларимиз сони 130 дан ошиб кетди. Улар ўз вазифаларига масъулият билан қарашади. Яқинда бир гуруҳ энг актив студент-дружиначиларимизга мукофотлар топширилди.

К. ҲАМРОЕВ.

ҚАЧОН БИТАДИ?

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

„ФОТОАЙБНОМА"

Газетамизнинг шу йил 31 март сонида босилган фотоайбномада такси ҳайдовчилар ўзбошимчалик билан тушлик овқатга чиқиш графигини бузаётганликлари, бунинг оқибатида эса бир ёқда йўловчилар пойлаб тургани ҳолда, ўнлаб енгил такси машиналари йиғилиб қолиши кўрсатилган эди.

Тошкент таксомотор корхоналар бирлашмасидан олинган жавобда кўрсатилишича, газетада келтирилган факт тўғри эътироф этилган. Аҳолига такси хизматини яхшилаш, белгиланган қатъий график асосида ишлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган.



Мана бу суратда Собир Раҳимов кўчасининг кинотеатр қаршисидаги деворда 15 йилдан буён осиғлик турган плакат акс этган. Унда «бундай қилиш мумкин эмас» деган ёзув бор. Ҳақиқатда ҳам исми жисмига монанд бўлган ва йиртилиб кетган бундай чақириқ-плакатнинг серқатнов шаҳар кўчасида қилпираб туриши ачинарлидир.

«Бошқайрағоч» массивидаги 8-поликлиника ёнида ҳаммом қурилаётганидан жуда қувонган эдик. Мана уч йил бўлаётир, аммо ҳаммомнинг пойдевори кўтарилгани йўқ. Атрофига тўкилган 20—30 минг ғишт икки йилдан бери ёмғир билан қор остида қолиб, майдаланиб тугаб бораётир. Ҳаммомни битмаслиги унинг устига уйилиб ётган ғиштларнинг нобуд бўлаётганлигига киши жуда ачинади.

Массивимизда кўплаб аҳоли яшайди. Уларнинг кўпчилиги шаҳар ҳаммомларига борадилар. Ҳаммомга борадиган бўлсангиз ярим кунингиз кетади. Қачонгача ҳаммом учун шаҳарга қатнаймиз?

Л. ҲАМИДОВ.

Ҳаводан туриб ўтоқ қилинади

Амударё соҳилларидаги Қорақалпоғистон АССРнинг ихтисослаштирилган хўжаликларининг бепоён шолипояларида шоли кўкариб қолди. Шоликорлар вақтни ғанимат билиб шоли парваришини оммавий тусда авж олдириб юбордилар.

Ҳавода қишлоқ хўжалик авиацияси самолётлари айланишиб қолди. Учувчилар шолипояларни бегона ўтдан тозалаш учун химиявий йўл билан ўтоқ қилмоқдалар. Бегона ўтларни қуритадиган таъсирли гербицидлар ишлатилмоқда. Химиявий дорилар барча бегона ўтларни жизғанак қилиб ташлайди. Айни пайтда бу дорилар шолининг поясига мутлақо зарар етказмайди. Дастлабки 8 минг гектар майдон дорилянди. Ҳозир хўжаликларга биринчи марта шунча гербицид олиб келинди-ки, бу барча далаларни дорилашга етади.

Бу йил Қорақалпоғистонда шолипоя 1,5 минг гектар кенгайиб, 14,3 минг гектарга етди. Шоликорлар ана шу майдонда 42 минг тонна шоли етиштириш, давлатга 36 минг тонна гуруч сотишни мўлжалламоқдалар. Гектар бошига ҳосилдорликни 1,7 центнер оширишга қарор қилинди.

[ЎзТАГ].

Ҳушҳаво боғда

Кўркам боғда лагерь ташкил этилди. Бу лагерь пойтахтимизнинг Октябрь районидаги Энгельс номли 11-мактаб территориясига жойлашган.

Мактабнинг кенг ҳовлисидан ўтиб бораркансиз, мевали ва манзарали дарахтлар билан ўралган лагерда меҳнаткашларнинг 20 фарзанди хилма-хил ўйинлар билан машғул бўлаётганининг гувоҳи бўласиз. Биз мактаб боғида лагерь бошлиғи Ёқубжон ака Тошхўжаевни учратдик.

— Лагеримиз бу йил анча кенгайди, — дейди Ёқубжон ака. — айниқса лагерни гулзорга айлантиришга боғбонимиз Бўрибой ота Юсуповнинг хизматлари катта бўлди. Мана, ўтган йил экилган дарахтлар ҳосилга кирди. Бундан ташқари, лагернинг бир томонига турли кўкатлар, помидор, қарам экилди.

Дарҳақиқат лагерни ҳар қанча мақтаса арзигудек. Ҳозир лагернинг биринчи сменасида мактабнинг жонкуяр ўқитувчилари С. Я. Акчурина, Н. М. Кароготский, И. Мирвалиев., М. Арслонова ва М. Бадалова каби педагоглар 120 болага тарбиячилик қилмоқдалар. Болаларнинг яхши дам олишлари учун лагерда барча имкониятлар яратилган. Лагерь боғида «Сайроғоч» деб аталувчи жой ҳозирланган. Бу ерда доҳийнинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи турли фото-расмлар, альбом ва китоблар бор.

Булардан ташқари, лагерда «Ёш табиётшунослар», «Тикувчилар», «Фото» ва спортнинг кўплаб турлари бўйича ташкил этилган тўгараклар мунтазам ишлаб турибди.

Х. ИЎЛДОШЕВ.

Она Ватан бўйлаб

«РОҲАТ» АНСАМБЛИ

Сурхондарё область Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг ашула ва рақс ансамбли «Роҳат» деб аталади. Бу ном ҳозир расмий равишда тасдиқланган. Лекин томошабинлар бундан бир неча йил олдинроқ ансамблни колхоз артистлари дастлаб дала шийпонларида, Сурхондарё маданият уйларида ўз маҳоратларини намойиш қилган пайтларидаёқ шундай деб атай бошлаган эдилар. Кишилар ўшандаёқ коллектив одамларга ҳузур — роҳат бахш этишини айтган эдилар.

...Ансамбль қандай вужудга келди? 1965 йилда колхозчилар Тошкентдан унча олисда бўлмаган «Қизил Ўзбекистон» колхози ансамблининг концертини телевиденье орқали кўришди. Улар колхозчиларнинг санъатига қойил қолиб, ҳавас қилишди. Кейинчалик шу ҳақда колхоз йиғилишида гапириб ўтишди. Ўз ансамбларини тузишга қарор қилишди. Колхоз посёлкасида қўшиқ айтиш ва рақсга тушиш ҳаваскорларининг сони — саноғи йўқ.



Закарпатияда СССР халқ артисти Ленин мукофотининг лауреати Сергей Бондарчук «Ватерлоо» фильмини суратга олмоқда. Бу Италиядаги «Дино-Де Лау рентис» фирмаси кинематографчилари билан «Мосфильм» ҳамкорлигида олинмоқда. Италияда павильон кадрлари суратга олинди, натура кадрлар эса Ужгородда суратга олинмоқда.

Суратда: Сергей Бондарчук (ўнгда) ва фильм рассоми Марио Гарбулье (Италия).

Л. Ковган фотоси.
ТАСС фотохроникаси

АЛИ ака Иброҳимов объектга етиб келганда қурилиш прораби кечаги терилган ғиштларнинг сифатини кўздан кечириб юрар эди. У прорабга бир зум тикилиб турдида, жомакор кийимини кийишга тутинди.

«Бир кунда 15 мингга яқин ғишт теришибди, Баракалла азаматлар. Бу катта ютуқ. Шу ҳафта ичи шунчадан ғишт терилаверса, биринчи қаватини қўлдан чиқарар эканмиз - дея ҳаёлдан ўтказарди прораб Ленар Халилов.

— Ассаломуалайкум, уста, — прораб Али акага қўл узатди.— Сизга битта маслаҳатим бор эди.

— Хўш, қандай маслаҳат экан?

— Кечаги келган ёшларни ҳам ғишт теручилар бириктириб қўйсак. Айниқса Радик Давличийнинг қўли ғишт теришга анча келиб қолган экан.

— Бу масалани жуда тўғри ўйлабсан ўғлим. Унда ишимиз яна унумли бўлади. Прораб Али аканинг сўзидан мамнун бўлди.

● *Беш йиллик илғорлари*

Меҳрибон ва талабчан

Эфирда шўх куй янграйди. Бу ёқимли куй қурувчиларнинг дилини ёзади, кайфиятини кўтаради. уларни сермазмун кунга, баракали меҳнатга чорлайди. Ана шундай зўр дақиқада бинокорлар ишни бошлаб юбордилар.

Кунлик иш нормасини бир ярим ҳиссага адо этишга эришаётган моҳир ғишт теручи Эркин Мирзабобоевга Р. Давличий ёрдамчи қилиб бириктирилди. Қоришмалар эса ғишт теручиларга пешма-пеш узатилиб турилибди. На чарчоқни, на бир нафас ором олишни билмаган тадбиркор бунёдкорларнинг қизғин меҳнати натижасида бино пойдевори ҳадал кўтарила берди.

Пойтахтнинг 2-Чимбой кўчасида 1 минг 200 квадрат метр ерни ўз ўз ичига олган Тошкент Политехника институтининг ётоқхонаси қурилмоқда. Тўрт қаватли бу ётоқхонада 620 студент истиқомат қиладиган бўлади.

Ётоқхона биносини 4-трест 7-қурилиш бошқармасининг прораб Ленар Халилов ҳамда бригадир Афанас Экономатакчилигидаги бинокорлари қуришга бел боғлаганлар. Илгари бу ишчан коллектив аъзолари «Бешқайрағоч» массивида 123-мактаб ўқувчилари учун 1000 ўринли мактаб биносини фойдаланишга топширган эдилар.

17 йилдан бери ғишт теручи бўлиб ишлаётган Али Иброҳимов ҳам шу бригаданинг аъзоси ҳисобланади. У ёшларга меҳрибон ва талабчан, Шунинг учун Али аканинг шогирдлари ўзига ўхшаган касбини севадиган, ишни пухта қиладиган бинокор бўлиб етишади. Устозининг маслаҳат ва кўрсатмалари ёш қурувчилар учун қонун.

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тўйига катта ҳозирлик кўраётган илғор бригада аҳли студентлар ётоқхонаси биносини шу йилнинг охирларида пардозчиларга топшириш ниятидалар. Ҳозир бинонинг 1 қаватида қурилиш ишлари қизғин бормоқда.

Бригада қурувчилари ҳар куни 300 га яқин ғиштни иқтисод қиляптилар. Тежамкорлик учун кураш бошқарма қурувчилари орасида ҳам кенг қулоч ёзмоқда. Эркин Мирзабобоев, Ғайрат Шонисаров каби машъал қурувчилар бир сменада 1 минг 500 дона ғишт териб ойлик ва квартал топшириқларини эрта-дан бажариш учун Али ака билан бир қаторда меҳнат қилмоқдалар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

2 Тошкент оқшоми
БЕТ.
27 ИЮНЬ, 1969 й.



Хитой авантюристларига қарши курашда чегарачиларимиз жасорати тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирди. Улар мардонавор туришиб, она-Ватаннинг бир қарич ерига бегона одамни йўлатишмади. Ҳамиша сергак ва ҳушёр чегарачиларимиз номи дилларда достон.

СУРАТДА: Даманский оролида қаҳрамонлик кўрсатган чегарачи П. Ковалёв. У яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Совет ва Монгол ёшларининг III йўқотлик фестивалида қатнашган эди.

Ватан посбонлари

- Доҳий орзулари амалда
- Муҳим ҳужжат ўрганиляпти
- Шарафли умр учун
- Суронли йиллар шуҳрати

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

В. И. ЛЕНИННИНГ ҲАРБИЙ ВАСИЯТЛАРИ

Душманга қарши курашда энг юқори даражага етказилган ҳарбий интизом ва ҳарбий ҳушёрлик зарур.

* * *

Ташаббускор, онгли солдат ва матрос бўлмаса ҳозирги замон урушида муваффақият қозониб бўлмайди.

* * *

Қизил Армия тўғрисидаги ҳамма қонунларни, ҳамма буйруқларни қўрқиб, чўчиб эмас, балки виждон билан ижро қилиш керак.

* * *

Бизнинг шиоримиз фақат биргина, яъни ҳарбий чинакамига ўрганишдан... иборат бўлиши керак.

* * *

...Ўзимизнинг тинч қурилиш ишларимизга киришгач, биз уни тўхтовсиз равишда давом эттириш учун бор кучимизни сарф қиламиз. Шу билан бирга, ўртоқлар, ҳушёр бўлинг, мамлакатимизнинг ва Қизил Армиянинг мудофаа қобилиятини кўз қорачиғидай сақланглиз...

ИЛЬИЧ ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚМИЗ

Шахсий состав бўлинмасида жанговар ва сиёсий тайёргарлик жиҳатидан аълочи Коммунистик партия ва совет халқи ҳаётидаги улкан ва қувончли воқеа—башорият қўёши Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигига тайёргарлик кўриш ишлари кенг кўламда олиб бориляпти. Ильичга халқ муҳаббати чексиздир. Унинг фарзандлари бўлган солдат, сержант ва офицерларнинг ҳам меҳр-муҳаббатлари оташин.

Улар бу қутлуғ санани янги муваффақиятларни қўлга киритганлари ҳолда, унинг васиятларини шараф билан бажариш учун роталарда, бўлинмаларда қунт ва чидам намунасини кўрсатмоқдалар.

Кўпгина ёш солдатлар дастлабки хизмат қилган йилиёқ жанговар ва сиёсий тайёргарлик жиҳатидан аълочи жангчилар бўлишга ҳаракат қилишяпти. Жангчилар ленинча меҳнат вахтасида туриб, белгиланган жанговар ва сиёсий машғулотларни сидқидилдан амалга оширмоқдалар. Шундай аълочилардан бири лейтенант В. Антонов взводидир. Мусобақа ғолиблари қисм командирининг махсус буйруғи билан рағбатлантирилмоқда. Аълочи солдат ва сержантлар ўлка бўйлаб қисқа муддатли сафарга чиқиш отпускаси билан тақдирланяпти. Бундай шарафга оддий солдатлардан С. Пискунов, В. Полосин, В. Алкаев ва бошқалар муяссар бўлишди.

Бўлинмада Ильич сабоқларини чуқур ўрганишга катта эътибор берилди. Кўпгина жангчилар В. И. Ленин асарларидан бир қанчасини тезис қилиб олишди. Масалан, кичик сержант В. Кугердин партия ва давлатимиз асосчиси В. И. Ленининг «Порт-Артурнинг енгилиши», «Ҳамма Денинкинга қарши». «Оз бўлсин-у, соз бўлсин», «Буюк почин» ва бошқа асарлари бўйича тезис олди.

Бу, яъни ленинизмни пухта ва мукаммал ўрганиш бўлинмада ҳар бир солдат, сержант ва офицерларнинг ҳаётий эҳтиёжига айланиб қолганлигини яққол кўрсатади. Шунинг учун ҳам кичик сержант В. Кугердин бўлими ротадаги энг илғор, энг интизомли бўлимлардан биридир. Бу ерда ҳар бир солдат моҳир отувчи, спортчидир. Улар барча жанговор топшириқларини аъло даражада бажаришади.

Илғор бўлим жангчилари В. И. Ленининг «Ватан мудофаасига жиддий, қатъият билан, изчил тайёрланингиз!» деган васиятини турмушга татбиқ этишга ишончимиз комил.

Умуман шахсий состав бўлинмаси жангчилари доҳий В. И. Ленининг ҳарбий васиятларига ҳамиша, лаббай, деб жавоб берганлари ҳолда Она-Ватаннинг ҳақиқий посбонлари бўлиб қоладилар.

подполковник Ф. ЛОБЗИН.

Яқинда республика ҳарбий комиссариати Совет Иттифоқи Қуролли Кучларининг ҳарбий билим юртларида ўқиш учун кандидатлар танлади. Кўп ўтмай Ўзбекистон республикаси ёшлари енгилмас Ватанимизнинг турли шаҳарларига боришиб, ана шу олий ҳарбий ўқув юртларида ўз таълимини оширадилар.

Шу ўқув юртига кириш бахтига муяссар бўлганлардан бири ҳамшаҳримиз, Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси Маматкарим Давлатовдир. У бутун ҳаётини офицерлик фаолиятига бағишлайди.

— Совет Армияси сафларида хизмат қи-

УМРИНИ БАҒИШЛАДИ

лиш ҳар бир СССР гражданининг муқаддас бурчидир,— дейди М. Давлатов,— Менга ниҳоятда қатъий тартиб, намунали интизом ёқади. Шунинг учун ҳам ҳарбий киши бўлишни ният қилдим.

Йигит ҳақ. Шарафли, қадрли йўлни танлаган у. Олий ҳарбий ўқув юртлари солдатлар етакчиси — офицерларнигина тайёрлаб қолмай, уни битиргандан кейин ўрта мактаб ва техникумларда ҳам дарс бериш мумкин.

Асосан, олий ҳарбий ўқув юртларида таълим олиб офицер, бўлган ҳар бир йигит, Ватан посбонларини доимо ҳушёрликка, сергакликка ўқитади, тайёрлайди. Улар Октябрь бахт берган қўрғоннинг қўриқловчиси, коммунизмни бунёд этаётган совет халқининг посбони бўлиб қоладилар.

Ф. ИВАНОВ.

ҚИЗИҚАРЛИ ЎҚУВЛАР, СУҲБАТЛАР

Куни-кеча Москвада Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши ўз ишини муваффақиятли тамомлади. Барча жойда ўрганилаётгани каби тинчлик ва куролсизланиш сари дадил қадам бўлган Кенгаш материалларини старший лейтенант Азиз Мавлонов хизмат қилаётган шахсий состав бўлинма солдатлари ҳам зўр қизиқиш билан ишлаб чиқмоқдалар. Коммунист-агитаторлар кундалик сиёсий ўқувда Москва Кенгаш материалларидан унумли фойдаланишяпти.

Кенгаш ҳужжатлари Ватан посбонларида катта қизиқиш туғдираётир. Унда меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун мамлакатларда озодлик ва мустақиллик ҳамда АҚШ империалистлари босқинчиларига қарши кураш олиб боришлари тараннум этилади.

Бўлинмада бу тарихий Кенгаш ҳужжатларидан иборат витрина ташкил этилди. Коммунистлардан Цицилин, Мавлонов, Мўминов ва бошқалар Москва кенгаши материалларини пухта ўзлаштириб, ўз сафдошларига ўрнак бўлишяпти.

Ён дафтардан

УРУШ ШУНДАЙ ТУГАГАН ЭДИ

Ушайтда биз гитлерч и л а р зулмидан озод қилинган Польшанинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлган Альп тоғи ён бағрида жойлашган Закопанье шаҳрининг Витук қишлоғида, Чехословакия билан Польша чегарасида турардик. Мен ўз қисмимизда навбатчи эдим. Ҳар дақиқа ғалаба хабарини эшитишга орзуманд эдик...

Ғалаба арафасида кечқурун қор ёғди. Сўнгра ёмғир қорни эритиб юборди. Саҳарга яқин ҳаво чарогон очилиб кетди. Мен тунда дераза ойнасидан баланд тоғ, тоғ ёнбағридаги ўрмонларда-сонда-сонда оқ қушлардек осмон денгизида сузиб юрган булутларга боқардим, гўзал Фарғонанинг дилрабо манзараларини қўмсардим. Шу пайт радио телефон жиринглади.

— Комендатура навбатчиси тинглаяпти!

— Олдин Ғалаба билан табриклайман, дўстим, кейин!...

Мен радистнинг сўзини эшитарканман «Ура, Ғалаба» дея қўшиқ айтиб борлиқни янгратди.

Эртасига поляк дўстларимиз билан кечгача байрамни тантана қилдик, ғалаба ғаштини сурдик. Орадан кўп ўтмай қисмимиз автоматдан ўқ уздим!..

— Езинг «Бугун эрталаб соат тўртда немис -фашист босқинчилари таслим бўлганликлари ҳақидаги ҳужжатга қўл қўйдилар...»

Мен автоматдан ўқ узганимдаёқ масалага ҳамма тушунган экан. Осмонга ўқ узилди, мушаклар отилди. Тўплар овозидан уйғонган маҳаллий аҳоли ҳам Альп тоғларидан ошиб Чехословакиянинг пойтахти олтин Прагага йўл олдик..

Ўрмонлар, тоғлар, дарёлар оша ўтаркамаи бу улуғ кунга етолмай ҳалок бўлган дўстларимни, елкадош ва сафдошларимни эсладим. Фарғоналик Раҳмон Ҳайталиев, украиналик сержант Бабенко, туркман Дурдиев, озарбайжон Авезов, киргиз Бойтемиров сингари ўнлаб дўстларимни эсладим. Уларнинг ҳаммаси ҳаётга муштоқ, ҳали мўйловига устара тегмаган йигитлар, ёридан бўса олишга улгурмаган куртаклар гага кириб боряпмиз. Вокзалда нон ва туз кўтарган оналар, гулдаста кўтарган гулгун қизлар, кўзидан қувонч аримайдиган йигитлар кутиб олишди. Қисмимиз Влтава ўқ узаётган власовчи, бандерачи сотқинларни қолдиғини тугатиш зарур. Кейин тинч-осойишта ҳаёт кечирамиз.

Чехословакияда 20 кун турдик. Сотқин унсурларнинг қолдиғини тугатдик. Кунлардан бирида Вацлов майдони ёнидаги музейни айланарканмиз ёнимизга бир чол келди. Ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг қўшиб қўйди.

— Мен ҳам Россияда бўлганман. Сибирь аскарлари сафида Антанта малайларига қарши урушда қатнашганман. Сизларнинг ҳамиша ёрдам қилишингизга қатъий ишонардим. Мамлакатимни генерал Людвик Свобода армияси билан ҳамкорликда ҳарамхўрлардан озод қилдингиз. Ҳадсиз миннатдорман...

Ҳ. ҲАКИМОВ,
запасдаги старший сержант.

ҚУВОНЧ

Улар йўлда узоқ туришди. Майин шамол дарахтлардан сап-сариқ баргларни ер узра ёйиб ташларди. Собиржон яна бир бор қувонч билан онасининг бироз хафақон юзларига тикилди:

— Энди, мен кетаман, онижон... Хафа бўлманг, бекорга йиғламанг!

Елкасига халтачани ташладию, машина томон йўл олди. Машинада уни Совет Армияси сафларига чақирилган ўртоқлари кутиб ўтиришарди.

— Болагинам, тез-тез хат ёзиб тур! — деди волида унинг орқасидан узоқ тикилиб қолганча.

Бир куни тўсатдан кўк конверт уйга келади. Адреси аниқ: Каримов Соливойга. Машинкада ёзилган. Онанинг қути учиб кетиб, умр йўлдошига:

— Адаси тинчликми, ўзи? — дейди.

— Бунча вақима қилмасанг, ўқиб кўрайлик-чи! У конвертни очади-ю, ўқишга тутинади, — қулоқ сол, хурсанд бўласан:

«Қимматли Соливой ва Шафиқа! Қисм командирлиги Сизларни Совет Армияси учун ажойиб фарзанд тарбиялаб берганликларингиз билан табриклайди». Шундан сўнг хат давомида Собир Каримовнинг жанговар мутахассисликларини пухта эгаллаганлиги ва жанговар ҳамда сиёсий жиҳатдан жуда чиниқаётганлиги ёзилганди. Хатнинг сўнгги жумласи, ўғилларига қисқа муддатли отпуска берилганлиги тўғрисида эди.

Шу куни Каримовлар оиласида қувонч дамлари алла пайтларгача давом этди!

СОЛДАТ ХАНДАСИ

«НОМАЪЛУМ» ФИЗИК

— Қулоқ сол, дўстим. Мана бу кроссвордда машҳур физикнинг фамилиясини топиш керак экан. Сен биласанми?

— Йўқ, билмайман, Сенчи?

— Мен ҳам билмайман.

Унда у физик қандай қилиб машҳур бўлган экан-а?

БЕГОНА КЎЗ БИЛАН

Солдат матросдан сўрабди:

— Нега жуда кенг почали шим кийиб олибсан. Сенга ёқадими?

— Ўзинг нега этигингнинг қўнжини қатқат қайтариб олгансан? — дебди солдатга матрос .

— Буни сезмапман. — жавоб берди солдат.

— Бегона кўз билан ўзгадаги заррани ҳам кўрасану, аммо, ўзингга ёпишган ёғочни ҳам сезмайсан,— деди дўстона ҳазил билан матрос.— Иккимиз ҳам устав қоидасини буздик.

«ИРИМЧИ» СТАРШИНА

— Старшинамиз жуда иримчига ўхшайди.

— Нега шундай деб ўйлассан.

— У тумбочкамни қузатаётган эди, ўз оғзи билан бу ерда шайтон оёғини синдиранга ўхшайди, деди. Ваҳоланки, шайтон деган диний уйдирма гап.





ҲАМИША СЕРГАК ВА ҲУШЁР!

СУРАТЛАРДА: (чапда) чегарачилар постда. Ўнгда — Из қувлаб.

М. Нуриддинов ва Г. И. Бибик фотолари.

БИЛАСИЗМИ?

...Бундан 54 йил муқаддам 22 апрель куни немислар биринчи бўлиб, Ипр остоналарида химиявий қуроллардан фойдаланишган эди. Француз позицияларига қарши олти километрлик кенгликда 5 минут давомида газ балонлари ишга солинди.

Орадан 15 минут ўтгандан кейин Германия пиёда аскарлари ялпи ҳужумга ўтишди. Газдан 15 минг киши заҳарланган, 5 минг киши ҳалок бўлган эди.

АЪЛОЧИ КОМАНДИР



Тўсиқларни забт этиш бўйича навбатдаги машғулот давом этарди. Контроль чизиққа биринчи бўлиб бўлим командири кўтарилди. Сержант барча жангчиларнинг унга қараб турганини, ундан ўрнак олишкин яхши биларди.

Баландликда турган Суяр берилган командани эшитиши биланоқ шиддат билан олга ташланди. Биринчи тўсиқ орқада қолди. Тўсиқнинг иккинчи томонигача қолган бир неча метрли масофани апил-тапил босиб ўтган сержант навбатдаги тўсиқ деворга томон зарб билан интилди.

Машқ давомида у гранатани чаққонлик билан «душман» траншеясига иргитди. Шундан кейин бир неча ҳарбий машқларни муваффақиятли бажарди.

Тўсиқлар майдонидаги машқни аъло бажарган сержант маррага нормативда белгиланган вақтдан бир неча секунд аввал етиб келди.

Сўнгра у солдатларни олдига келиб мурожаат қилди:

— Машқни худди мендек бажаринглар! Бўлим командири уларга белгиланган масофани босиб ўтишга онд яна бир қанча кўрсатмалар берди...

Суяр ҳаммавақт ишга қатъий, чин қалбдан киришади. Жанговар тайёргарликнинг барча турларини бўйича мустаҳкам ва чуқур билимга эга бўлганлиги учун ҳам у, солдатларнинг машқ вақтидаги камчиликларини дарҳол пайқайди, уларга бартараф қилиш йўлларини айтади, ёрдамлашади. Солдат Юрий Белюсенкони мисол қилиб кўрсатиш мумкин. У сафга тизилишда, жисмоний тайёргарликда кўпгина муҳим элементларни бажаришга қийналарди. Сержантнинг яқиндан берган кўмаги туфайли у аълочи солдатлар сафидан ўрин олди.

Мана, тиниб-тинчимас сержантнинг меҳнати ўз самарасини кўрсатди. Унинг бўлими аълочи деб эълон қилинди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3

БЕТ.

27 ИЮНЬ, 1969 Й.

Қайдасиз, азизлар!

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонда тузилган кўпгина ҳарбий кўшинлар фашизм билан даҳшатли жангларда эл оғзида достон бўладиган қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, Ватан шуҳратини ғалабалар билан безадилар.

Улардан бири 35-махсус ўзбек ўқчи бригадасидир. Москва остоналарида мустаҳкам мудофаада туриб, душман кучларини улоқтириб ташлаган бригада Кенигсберггача бўлган шарафли ва шонли фронт йўлини босиб ўтди..

Тошкентнинг ёш истопарлари 35-ўқчи бригадасининг баҳодирларидан қўпчилигини излаб топишга муваффақ бўлдилар. Болалар курашлар бўлиб ўтган жойларга бориб, ҳалок бўлган аскарларнинг хотирасига бағишлаб ёдгорлик тахталарини ўрнатдилар, айни пайтда уруш ветеранлари билан ҳат ёзишмоқдалар. Москвадан, батальонининг собиқ командири-истеъфодаги полковник, Совет Иттифоқи Қаҳрамони К. В. Билютин болаларга мана бундай деб ёзади: «Менинг аскарларим бўлган ўзбеклар ўлим билан юзма-юз курашдилар ва Москвага бирорта ҳам душман газандасини киришига йўл қўймадилар, 1941 йилнинг 6 декабрь куни улар ҳужумга ўтиб, душманни пойтахт остоналаридан суриб ташладилар. Москва бўсағасидаги жангларда бизнинг бригада анча қурбонлар берди. Лугово қишлоғида шу ўқчи бригаданинг 200 ажойиб йигити дафн этилган биродарлик қабристони бор. Шунингдек, бригада босиб ўтган йўллар — Люблна, Киев, Горький ва бошқа жойларда ҳам қабристонлар бор. Эндиликда эса бригаданинг тирик қолган собиқ жангчиларини топиш, ҳалок бўлганлар хотирасини нишонлаш уларнинг Ватан учун мардларча курашиб, ҳаётларини қурбон қилганликлари ҳақида сўзлаб бериш керак»...

Чимкентдан Муҳиддинов эса қуйидагиларни маълум қилди: «Бригада асосан ҳарбий билим юртн курсантларидан тузилган эди. 1941 йилнинг 7 ноябрида бизнинг бригада Москвада Қизил майдонда ўтказилган парадда қатнашди. Биз майдондан курсантлар формасида ўтиб, шу ердан тўппа тўғри фронтга йўл олдик. Волоколамск учун бўлган жангларда бригадамиздан тирик қолганлар жуда камчиликни ташкил этарди. Немислар қатиқ қаршилик кўрсатишди. Омон қолган қуролдош дўстларим қаерда, улар кимлар, шу пайтгача бирор нарса билолмайман».

Бундай хатлар бир талай. Октябрь районидаги 40-мактабнинг ўқитувчиси Х. Мавлонов бошлиқ пионер истопарлари Москва остоналарида ҳалок бўлган жангчи Анвар Зуфаровнинг оиласини излаб топиш ҳақида



топшириқ олишди. Қидириш мумкин бўлган бирдан бир ҳужжатда мана бу сўзлар ёзилган эди. «Октябрь район ҳарбий комиссариати чақиртирган. Уй адреси: Тошкент, Чигатой кўчаси, 1 тупик 12 уй.

Буни қарангки, ана шу тупикда яшовчиларнинг бирортаси ҳам бу кишини билмайди. Билмайдиганлар бўлса бордир. Лекин маҳалла оқсоқоллари бу ерда кимлар яшаган, кимлар фронтдан қайтмаганлигини яхши биларкан. Адреси ҳатодир. Лекин ўша жумбоқни топиш учун озмунча меҳнат сарф қилинмади, дейсизми? Ниҳоят истопарлар жангчининг оиласини топишди, ҳамма нарсани аниқлашди. Анвар Зуфаров Тошкентда 1919 йилда туғилиб, Октябрь районидаги 11-мактабни тугатгач, Политехника институтининг кон факультетига ўқишга киради. Шу ердан Совет Армияси сафига чақирилади, кейин 1941 йили июль ойида фронтга юборилади.

У дастлаб Горький шаҳридан, кейинчалик ўқчи бригада Москва остоналарига келгач, 1941 йилнинг ноябрь ойида ўзи ҳақида хат ёзиб юборган. Ўзбек йигити 1941 йилнинг 6 декабрида Лугова яқинидаги тажриба станцияси районидаги жангда ҳалок бўлади. Унинг жасади Лугово станциясидаги биродарлар қабристонига дафн этилган. Москва мудофааси учун бўлган жангларда қатнашган ва қаҳрамонларча ҳалок бўлган 200 норғул йигитнинг бири ҳақидаги кичик ҳикоя шундан иборат.

Яна бир ажойиб инсон ҳақида ҳикоя қиламиз.

1921 йилда туғилган Маъруф Ҳўжаевнинг болалик чоғлари Эгарчи маҳалласида ўтган. У 112- (ҳозирда 76-) мактабни тугатгач, врач бўлиш орзусида эди. Ёш ўспиринининг яхши ниятини уруш пучга чиқарди.

198,4 деб аталган тепаликка ҳужум қилишда у душман траншеясига биринчилардан бўлиб кириб борди. Немис блиндажига етиб келиши биланоқ, у ерга бир неча гранатани иргитди. Душманга қаҳшатғич зарба берар экан, взвод жангчиларига бош-қош бўлди, жасорати билан жанговар топшириқнинг бажарилишини таъминлади. «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди.

Маъруф Ҳўжаев 1943 йилда Калинин фронтида бўлган жангларда она тупроқ қучоғига мангулликкa бош қўйди.

Лекин биз бошқа жангчиларнинг урушгача бўлган ҳаёти ва уларнинг фронтдаги жасоратлари ҳақида, уларнинг оилалари, қариндош уруғлари ҳақида узоқ вақтлардан бери изланишлар олиб бораётган бўлсак ҳам етарли маълумотлар тўплайолмаяпмиз.

Смоленск областининг Погубино қишлоғида бўлган даҳшатли жангларда ўқчи бригада аскарларидан Федор Симонович Маъданов (Чигатой кўчаси, 10 тупик 1 уйда яшаган), Аҳмедзянов (Носиров кўчаси, 43 уй), Мажид Алиев (Комсомол кўчаси, 58 уй), А. Орипов (Театральний кўчаси, 52 уй), Г. Довидбоев (Невский кўчаси, 24 уй), Газизянов (С. Раҳимов кўчаси, 26 уй), Г. Бурҳонов ва бошқалар қаҳрамонларча ҳалок бўлишган.

Тошкент мактабларининг ёш истопарлари Ватанимизнинг қаҳрамон ва ажойиб ўғлмоқларини излашни давом этдирадилар. улар ҳалок бўлганларнинг хотирасини ҳурмат билан ёдга олишадилар.

Октябрь районидаги Қорасарой кўчасидан армияга чақирилган Холмат Мирвалиев шаҳримизда яшаб, тинч меҳнат билан банд экан. Яна шу ўқчи бригадада хизмат қилган қаҳрамон жангчилар бордир?

Қайдасиз азизлар! Улуғ Ватанимизнинг ҳимоячиларини бўлган сиз баҳодирларни излаш давом этмоқда.

А. ШМАРИГО,
Киров районидаги пионерлар уйининг «Ёш истопар»лар клуби раҳбари.

Жаҳон ойнаси



Нидерландия. «Қалбсиз одам» — Роттердамда фашистлар томонидан иккинчи жаҳон урушн йилларида шаҳарни вайрон этилиши муносабати билан ўрнатилган монумент шундай номланади. Ю. Луганский фотоси. ТАСС фотохроникаси.

● *Польша Халқ Республикасининг 25 йиллиги*

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНАДИ

МОСКВАДАГИ Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг халқ истеъмоли буюмлари павильонида иш қизғин. «Халқ Польшасининг 25 йиллиги» кўргазмасини очиш учун сўнгги тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. 27 июнда очиладиган бу кўргазма мамлакатимизнинг саноат, фан, техника соҳасидаги ютуқларини намойиш қилади. Унинг экспонатлари ПХР билан СССР ўртасидаги иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини юқори даражада эканлиги ҳақида ҳикоя қилади. Экспозициялар вазифаси аҳамиятига унинг масштаби ҳам мос келади — у республика чет элда намойиш қилган экспозицияларнинг энг йирги бўлади.

17 минг квадрат метрдан ортиқ майдонда миллаб экспонатлар — улкан қурилиш агрегатлари ва автомат ускуналардан тортиб маиший хизмат буюмлари ва пардоз буюмларигача бўлади. Лекин ҳозирги Польша ишлаб чиқараётган нарсаларни ҳатто энг катта павильонда ҳам натура ҳолида кўрсатиш қийин. Кемалар, комплекс саноат объектлари, автомат линиялар макет ҳолида қўйилади. Павильон билан ёнма-ён очиқ майдонга туристик ва спорт анжомлари жойлаштирилади.

«Халқ Польшасининг 25 йиллиги» экспозицияси кўргазмага келган томошабин ўнлаб бўлимларда бизнинг халқ хўжалигимизнинг бугунги аҳволи ва унинг янада ривожлантириш планлари билан имкони борича тўла таништадиган қилиб жойлаштирилган. 3 мингдан ортиқ завод ва фабрика фақат ҳозир ишлаб чиқараётган буюмлардан ташқари келгуси йилларда бозорга олиб чиқиладиган, хусусан совет бозорига олиб чиқиладиган буюмларни ҳам кўрсатади.


СССР — бизнинг асосий савдо рақибимиздир. Шуни айтиш етарлики, Польша экспортининг ўндан уч қисмидан кўпроғи Бизнинг республикамизда совет фотоаппаратлари, соатлари, транзистор-приёмник лари яхши шуҳрат қозонган.

ПХР да Совет асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 300 саноат объекти ишлаб турибди. Ўз вақтида Совет Иттифоқидаги 200 корхонада, шу жумладан, қанд ва химия заводларида «Польшада ишлаб чиқарилган» деган сўзлар ёзилган машиналар ўрнатилган.

Бир ой давом этадиган кўргазманинг ички мобайнида илмий ва техник симпозиумлар, поляк ва совет мутахассислари билан учрашувлар ва тажриба алмашишлар ташкил қилинади. Бир пайтнинг ўзида савдо ярмаркалари бўлади, модалар, поляк фильмлари намойиш қилинади, таниқли ансамбль ва театрларнинг чиқишлари бўлади, китоблар кўргазмаси очилади. Совет дўстларимиз, хусусан, Новости матбуот агентлиги журналистлари иштирокида «Бугунги Польша» ҳафталиги чиқарилади.

ПХРнинг 25 йиллигига бағишланган юбилей саноат кўргазмаси, сўзсиз, икки мамлакат халқи ўртасидаги илгаридан анъана бўлиб қолган дўстона алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

М. САМОЙЛЮК,
«Пользэкспортпресс»нинг бош редактори.
Варшава.
(АПН).



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Суратда: республика пойтахти Софиядаги «Рус» театрининг кўриниши.

НИГЕРИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ЛАГОС. (ТАСС). Нигериядаги фронтнинг ҳамма участкаларида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган жанглар давом этмоқда. Сепаратчилар фронтнинг жанубий жавҳасида бир неча бор ҳужумга ўтди. Нигерия матбуотининг хабарларига қараганда, сепаратчиларнинг Авкуга қилган ҳужумлари икки кун давом этган, аммо федерал қўшинлар бу ҳужумларни муваффақиятли суратда даф қилганлар ва кўп миқдорда аслҳа, қурол-яроғ ва ўқ-дориларни қўлга тушириганлар.

Федерал армия ўз позицияларини анча яхшилаб. Оверрдан жануб томонда тактика жиҳатидан катта муваффақиятлар эришган. Сепаратчиларнинг Агутадан жанубий томонда жойлашган Оквузудаги аэродроми қаттиқ бомбардимон қилинган.

Азиз Несин

Ғаройиб болалар



Фатўш ҳамма кулиб юборади, деб ўйлаган эди. Ўтирганлар совуққина кулган бўлди. Оғир жимлик чўкди. Дадам хижолатпазликдан нима қиларини билмай, қийин аҳволга тушиб қолди. Фатўш меҳмонлар нега шарақлаб кулмаганига ҳайрон бўлди, яхши эшитишмаган бўлса керак, деган хаёлда қаттиқроқ бақирди:

— Ҳув дада! Сизга айтяпман!

Мана мен нималарни биламан, дегандай меҳмонларга бир-бир қараб чиқди. Дадам вазиятни юмшатиш учун мулойимгина қилиб:

— Ҳа, оппоқ қизим, нима дейсиз? — деб сўради.

— Дада дейман! Ҳув дада!

— Ҳа, нима дейсан?

Дадамнинг жаҳли чиқа бошлади, қошлари чимирилди.

Аммо Фатўш ҳайрон — нега булар кулмайди?

— Ҳув дада! Сизга айтяпман!

Ойим илжайган бўлди. Лекин Фатўшнинг кўнгли тўлмади — у нима қилиб бўлсаям меҳмонларни қойил қолдириши керак. Бирдан у америкалик инженер дадамдан маъносини сўраган ярамас сўзни айтиб юборди. Фатўш енгиб чиқди, Ҳамма шарақлаб кулиб юборди. Дадамнинг қаттиқ жаҳли чиқди-ю, лекин сездирмади. Фатўшга ўқрайиб қаради. Сингилим талтайиб кетиб, бояги гапни яна икки-уч марта такрорлади. Ойим билдики, уни яхшиликча тинчитиб бўлмайди. Шунинг учун:

— Бас энди, жим, бўлмаса тилингни кесиб оламан, — деб қаттиқ жеркиб берди.

Кулишнинг ўрнига сўкиш эшитган Фатўш аламидан йиғлаб юборди. Қани энди овунса! Охири ойим уни етаклаб, хонасига олиб чиқиб кетди. Жойига ётқизиб, кейин қайтиб кирди.

— Ҳеч қиси йўқ, хоним афандим, хафа бўлманг, — деди меҳмонлардан бири ойимни юпатиб. — Бу ҳали ҳолва. Бизникиларнинг оғзидан боди кикириб, шоди чиқади. Қизчангиз ғўдак ҳали, нима деганини ўзи ҳам билмайди.

— Бунақа бемаъни гапларни кимдан эшитибдийкин, ҳайронман, — деди дадам ўзини гўлликка солиб.

Дадамнинг ёнига ойим қўшилди:

— Менинг ҳам бошим қотди. Кўчага чиқмаса, ёмон болалар билан ўйнамаса...

Фатўш буни қаердан эшитганини чиндан ҳам билишмаса керак, деб ўйлабман. Шунинг учун ҳақ гапни айта қолдим:

— Қаерда бўларди, уйда эшитади-да бунақа гапларни.

Дадамнинг тепа сочи тик бўлиб кетди.

— Ҳув занғар, бизнинг уйимизда ҳеч ким бунақа демайди-ку!—деб бақириб берди. Ҳамма кулиб юборди. Дадамнинг ўзиям ноилож илжайиб қўйди.

Меҳмонлар тарқалишгач, дадам мени ёмон қойиб берди.

— Мен қайдан билай. Тўғри кўнгилда сўрашсинлар, деб ўйлабман, — дедим ўзимни оқламоқчи бўлиб.

Хатим яна чўзилиб кетди, Зайнаб. Бу гал қисқароқ ёзмоқчи эдим иложини қилолмадим.

Ёзги каникулда Истамбулга келмоқчимисан? Келиб қолсанг, кўришармиз. Сенга ҳавасим келади— Анқарани ҳам кўрдинг. Мен бўлсам ҳали Истамбулдан четга чиққаним йўқ.

Сенга саломатлик тилаган ҳолда хатимни тугатаман.

Аҳмад ТАРБАЙ.
Анқара,
14 январь, 1964 йил.

ВАТАНПАРВАР БЎЛИНГЛАР

Аҳмад қардош!

Каникулда Истамбулга бориш-бормаслигимни сўраган экансан. Дадамга отпуска тегмайди. Янги жойга ишга келганига ҳали бир йил тўлгани йўқ. Шунинг учун у ойим икковимизни ёлғиз юбормоқчи. Агар борадиган бўлсак, Истамбулда бир ой турамиз. Лекин ҳали аниқ эмас. Дадамни ёлғиз ташлаб кетишга ойимнинг унча кўнгли йўқ. Бизсиз қийналиб қолиши мумкин. Мабодо борсак, холамникида тўхтаймиз. Сени ўзим топиб оламан.

Яқинда мен ёмон бир иш қилиб қўйдим. Гапириб бермасам бўлмайди. Ҳозирча бундан фақат Метиннинг хабари бор. Сабаби — у ҳам менга шерик бўлган. Сен билан энди учинчи бўламиз.

Ўтган якшанба куни бувамларнинг уйига меҳмонга борган эдик. Анча олисда турибди. Бувам қариб қолганлар, шунинг учун баландга чиқолмайдилар. Уйлари ҳам иккинчи қаватда, ижарага туришади. Аслида уларга биринчи қават муносиб эди-ю, лекин ўзлари бопи топилмади. Ҳозирги турган квартирага ўн саккиз зинани босиб чиқишади. Мен ўзим санаган эмасман-у, лекин бувам ҳар икки гапнинг бирида: «Яна ўн саккиз чоғ зина босдим. Дам ола-ола, зўрға кўтарилдим» дейди. Нега зинадан гапирганимни кейин биласан... Яхшиямки, бувам энг баландаги квартирада турмайди. Акс ҳолда ўша куни ҳамма газеталар фалон жойда катта бахтсиз ҳодиса рўй берди, деб ёзиб чиққан бўларди...

Опамнинг дугоналари келиши керак экан. Шунинг учун у уйда қолди. Дадам, ойим, Метин ва мен автобусга тушиб, бувамларникига бордик. Бувим тайёргарлик кўриб қўйган экан, бизни яхшилаб зиёфат қилди. Овқатдан кейин бувам билан дадам рўпара ўтириб олиб, қаҳвахўрликни бошлаб юборишди. Мен уларнинг қаҳва устида гаплашиб ўтиришларини ёқтираман. Шунинг учун ёнларидан жилмадим. Ҳонада учовимиз қолдик. Газета ўқиётган бўлиб ўтиравердим. Икки қулоғим уларда. Баъзан бошимни кўтариб секин қараб ҳам қўяман.

Бувам сиёсатга қизиқадиган одам. Дадам билан икковлари ёлғиз қолишса, нуқул шундан баҳс қилишади. Бувамнинг яна бир одати бор — овқатдан кейин уни мудроқ босади. Ўзи қаҳва ичиб ўтирган бўлсаям, кўзи юмилиб қолаверади. Бундай пайтларда у дадамдан сиёсат бобида бир нимани сўраган бўлади. Дадам билганича гапириб бераётганида бувамнинг кўзи илинади. Буни кўриб, дадам жим бўлади. Аммо жойидан жилмай ўтираверади. Бувамнинг бошн шилқ этиб тушади ёки ёнбошга қийшаяди. Баъзан эса бемалол орқасига ястаниб олади. Сал ўтмай ўзининг ҳуррагидан ўзи чўчиб кетади.

— Ҳў-ў-ш.., Кейин нима бўлди?

Шунақада дадам ўрнидан туриб кетган бўлса, қаттиқ ранжийди, мени беҳурмат қипти, деб кўнгли озор топади. Шунинг учун бувам ўтирганида дадам унинг олдидан бир қадам ҳам жилмаслиги шарт.

Мабодо пинакка кетишдан олдин ўзи гапираётган бўлса, кўзини очар-очмас:

— Ҳўш, нима деб турган эдим?— дея сўраб қолади.

Дадам бундай кезларда ҳушёр бўлиши, гап қаерда чала қолганини айтиб бериши лозим. Агар қиттай янглишиб қолса, бувам дарҳол:

— Йўқ, йўқ, буни гапирувдим... Ҳўш, нима деятган эдим?— деб қолади.

Баъзан гап қаерда чала қолганини билмай икковлари тортишиб қолишади. Мен ҳамиша уларнинг гап-сўзларини ҳузур қилиб эшитаман.

— Ҳў-ў-ш, кейин нима бўлди?

Дадам келган жойидан улаб кетади. Бир лаҳза ўтмай, яна бувамнинг калласи қийшайиб қолади. Катта танаффус бир соатга яқин давом этади. Бувамнинг ўзлари буни мизғиб олиш, деб атайдилар.

— Сен бемалол гапиравер, кўзим юмуқ бўлгани билан қулоғим очиқ, —деб ора-сира гап ташлаб ҳам қўядилар.

Мана, ҳозир ҳам мириқиб ҳаҳва ичиб ўтиришибди.

— Хўш, оламда нима гаплар бор? Мамлакатда аҳвол қалай? — сўраб қолди бувам.

Дадам энди гапини бошлаган ҳам эдики, бувам пишиллаб қолди. Калласи шилқ этиб бир томонга қийшайди. Шу ондаёқ сесканиб уйғониб кетди. Кўзи кетганини сездирмаслик учун:

—Жуда соз.., Бундай вазиятда немислар нима қиларкин-Хўш, нима деб ўйлайсан? — деб қўйди.

Немиснинг нима алоқаси бор бунга, ҳайрон бўлдим. Лекин саволга жавоб бериш керак. Дадам немисни ҳам тиркаб кетди.

— Ҳа, энди немислар илгаригидан анча тараққий этган. Чунки улар..

(Давоми бор)

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.

РАДИО

27 ИЮНЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Илмий атеистик темаларда. «Шоҳимардон мўъжизаси» деган радиоочерк (ўзбекча). **18.10** Фортепьяно пьесалари. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ўзбекистон қурилишларида» радиожурнали (русча). **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** «Фарғона тароналари». Музикали-адабий радиокомпозиция (ўзбекча). **22.20** «Монгол куйлари гулдастаси» деган концерт. **22.40** «Янги ҳикоялар». А. Ҳасанов. «Кўнгил» деган ҳикоя (ўзбекча). **23.15** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Оркестр куйлари. **19.30** В. Баснер. «Уч мушкетёр» балетидан сюита. **20.00** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт (тожикча). **20.30** Симфоник рақслар. **20.50** «Чорвачиликни комплекс равишда уюштириш» деган эшиттириш (русча). **21.00** «Жаҳон прогрессив адабиёти». Мартин Андерсен Нексе. Ёзувчи туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан (ўзбекча). **21.40** Москва. «Фан ва идеология» деган суҳбат.

28 ИЮНЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** «Ялла» концерти. **8.25** Лирик концерт **9.30** М. Бурҳонов. «Алишер Навоий қасидаси» вокал-симфоник поэмаси. **10.30** Шўх концерт. **11.15** «Гулшан» радиожурнали. **12.15** Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (ўзбекча). **13.30** Операталардан парчалар. **15.10** «Правда» газетасининг обзори. **15.20** «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» радиожурнали (русча). **16.10** «Музика мадэнияти университети» (ўзбекча). **17.20** Уйғур куйлари. **17.50** «Идеология ва ҳаёт» циклидан. Бекобод район партия комитетининг секретари Т. Умматовнинг «Ленин ғоялари — оммага» деган сўзи (ўзбекча).

18.00 Ўзбек давлат филармонияси солистларининг концерти. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Ўзбекистон композиторлари операларидан парчалар. **20.00** «ЛЕНИННОМА» программаси (ўзбекча). **20.40** Қўшиқ ва рақслар (ўзбекча). **21.00** «Қардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). **21.10** Пахтакорлар учун концерт. **22.20** СССР санъат усталарининг концерти. **23.10** «Шанба оқшомида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Таниқли ижрочилар концерти. **9.15** Спорт эшиттириши. **19.00** ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ. Д. Нацагдорж. «ҚОЯ» номли ҳикоя (ўзбекча). **19.30** «Звезда Востока» журнали саҳифаларида (русча). **20.00** Тожик халқ куйлари. **20.30** Озарбайжон куйлари. **20.50** «Проблемалар, тадқиқотлар, ўйлар» (русча). **21.00** «Юрий Гуляев куйлайди» деган концерт-очерк. **21.40** Совет Ёшлари куни-га бағишланган адабий-музикали эшиттириш (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Б. Савельев. «Синглим» операттасининг монтажи. **14.30** Мақомлардан парчалар. **16.30** А. Арбузов. «Иркутскдаги воқеа» радиоспектакли (русча).

18.00 «Гулшан» радиожурнали.

ТЕЛЕВИЗОР

27 ИЮНЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Болалар учун. «Пионер ёзи». **18.55** Телевизион янгиликлар. **19.05** «Тўрт аёл портрети». Музикали-адабий эшиттириш. **19.45** Ўзбек диёрининг милицияси. **20.05** Кино ҳақида суҳбатлашамиз.

Узбек тилида: 21.05 Телевизион янгиликлар. **21.20** «ОЛТИН ВОДИЙ» программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 Футбол бўйича СССР кубоги учун. Танаффус вақтида янгиликлар. **00.15** Янгиликлар эстафетаси. **01.30** Қўшиқ мухлислари клуби. **02.30** Спорт янгиликлари. **03.00** Фақат фактлар, кўрсатувлар программаси. **03.15** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

УҚУВ КУРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

Узбек тилида: 18.00 Абитуриентлар учун. «Ишони қандай ёзиш керак». **18.40** Абитуриентлар учун. Математика. **19.30** Сиртдан ўқувчи студентлар учун инглиз тилидан 33-машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Украина радиоси ва телевидениеси симфоник оркестрининг концерти. **21.00** Меҳнат қаҳрамонларига шон-шарафлар. **21.55** «Мигель де Сааведра бошидан кечган ғайрати саргузашт». Музикали телефильм премьераси.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 22.30 «Ишчи — фахрли ном». Телепрограмма. **23.00** Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН. «Совет — монгол ҳамкорлиги». **20.15** «Донлик ёш меҳнатчилар», «Денгиз чегараларини сақлашда». Ҳужжатли фильмлар.

Рус тилида: 20.45 «Кумуш ёз». Телефильм. **21.15** «Канада манзаралари». Ҳужжатли фильм. **22.05** «Дўстлар ва йиллар». Бадиий фильмнинг 2-серияси.

28 ИЮНЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатувлар программаси.

Узбек тилида: 10.00 Болалар учун кинофильм. **10.20** Ўзбек куйларидан концерт. **11.00** Саҳна усталари. Б. Раҳимова ва С. Камолов ижодий портретлари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Гимнастика ҳамма учун. **12.45** Янгиликлар. **13.00** «Бахтли бўлинг». Дам олиш программаси. **13.30** «Ихтирочи». Телеклуб. **14.00** Шаҳарларнинг музикали турнири. **15.00** «Прогресс» интервидение журнали.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси. **17.00** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Узбек тилида: 17.10 Кичкинтойлар учун. «Бойчечак». **17.50** Болалар учун. «Ранг ўғрилари». Мультфильм.

18.10 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари» тележурнали. **19.00** Телевизион янгиликлар. **19.15** Сирдарё область, Жиззах район «ГУЛБАРГИ» ансамблининг концерти. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Футбол бўйича СССР кубоги учун. Танаффус вақтида янгиликлар. **22.30** Эфирда «Молодость». **23.30** Социализм дунёси. **24.00** Телефильмлар Бутуниттифоқ учинчи фестивали мукофотига сазовор бўлган фильмлар. «Уйга томон йўл». Бадиий телефильмнинг 2-серияси. **00.50** «Огонёк». **02.00** «Новости дня» киножурнали. **02.10** «Кечки Ленинград». Эстрада концерти. **03.00** Фақат фактлар, кўрсатувлар программаси. **03.15** Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

15.30 Болалар учун телетеатр. Т. Макарская. «Қизча билан дўсталашмаган бола». **16.20** Улуғ Ватан урушининг ёш қаҳрамонларига бағишланади. Телеочерк. **16.45** «Здоровье» Илмий-оммабоп программа. **17.15** Эфирда «Молодость». Украина ленинча комсомолининг 50 йиллигига бағишланади.

18.00 СССР халқлари атласи. Дағистон АССР. **18.30** Рангли телевидение программаси.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 В. И. Ленининг сафдошлари. **20.15** Реклама. **20.35** «Соат ярим тунда тўхтаб қолди». Бадиий фильм. **22.10** Ялла ва рақслар.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Тожик тилида: 20.30 Беш йиллик илғорлари. **20.45** Эфирда — «Молодость». **21.15** Янги таражималар. **21.35** Концерт. **22.25** Янгиликлар. **22.40** Тожикистон — менинг ифтихорим».

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 27/VI да **Сухайл ва Меҳри** 28/VI да **Пиковая дама**, 29/VI да **Травиата**, 30/VI да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/VI да **Мудҳиш айбнома**, 28/VI да **Алишер Навоий**, 29/VI да **Мария Стюарт.**

Кино

27 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Тонг — САНЪАТ САРОЙИ (кеч 7 ярим ва 9 яримда).

Героин — «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кеч 6 да)), «МОСКВА» (кеч 7 да).

Тўй кунида —«ВОСТОК» (кечқурун).

Учрашув манзили —Женева— «ДРУЖБА» (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кеч 8 да).

Таниш-билишларимиз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кечқурун).

Унутилмас қотиллик —«УЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Сангам (1-2-3 серилар)— НАВОИЙ НОМЛИ (ўзбек тилида, кечқурун).

Ершфорлик қизлар — «МОСКВА» (кеч 9 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутлар да бошланади).

Героин — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Дзюдо даҳоси — «ХИВА».

28 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Героин — «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз соат 2.30, 4 ва кеч 6 да), «МОСКВА» (кундуз соат 1.20, 5 ва кеч 7 да), «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 2.30 ва 4 да).

Учрашув манзили —Женева — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ва кеч 8 да).

Тўй кунида — «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Рошфорлик қизлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) «МОСКВА» (эрталаб 10, 11.40, кундуз соат 3 ва кеч 9 да).

Сангам (1-2-3 серилар)— НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Дўппи кийган фаришта — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 9.45, 11.30 ва кундуз 1.15 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутлар да бошланади)

Героин — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Дзюдо даҳоси —«ХИВА».

Реклама ва эълонлар

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 27 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти-нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2788. Р. 11198 Индекс 64579